



БОЛАЛАРДА АСКАРИДОЗ БЕЛГИЛАРИ, АСОРАТЛАРИ, ДИАГНОСТИКАСИ

Мажидов Каюм

Субхонов Асатилло

Юлдошев Анвар

Илмий раҳбари: Мирзаев Ризамат Зиёдуллаевич

Самарканд давлат тиббиёт университети

Ўзбекистон, Самарканд

Ишнинг мақсади: Педиатрия соҳасида аскаридоз ҳолатлари, белгилари,асоратлари, диагностикаси ва профилактик чоралар.

Материаллар ва методлар. Болаларда аскаридоз, белгилари, бола зарарлангандан кейин 1 ҳафта давомида интоксикатсион ва аллергияк белгилар юзага чиқади (ерта мигратцион босқичда). Баъзи ҳолатларда аскарининг етилган шакллари ичак ва кўкрак қафаси соҳасини рентгенография текшируви орқали кўриниши ҳам мумкин. Бундан ташқари эндоскопик текширувлар ва жарроҳлик аралашуви ҳам аскаридоз касаллиги диагностикасида аниқ маълумотлар беради (болалар гастроэнтерологияси бўлимларида амалга оширилади).

Натижалар: Болада умумий ҳолсизлик, тана ҳарорати кўтарилиши (38 С гача ошиши мумкин),тўш ортида оғриқ, аллергияктошмалар ва тери қичишиши, қуруқ ёки шиллиқ балғамли йўтал, баъзида плеврит белгилари кузатилиши мумкин. Касаллик давомида бола жигари, талоқ ва лимфа тугунлари катталашиши ҳам келиб чиқади (гепатоспленомегалия). Аскаридоз ичак босқичида – ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади, ошқозон кислоталик муҳити камайиши ва ферментлар



фаоллиги пасайиши, овқат маҳсулотлари ҳазм бўлиши қийинлашуви, озуқавий маҳсулотлар сўрилиши қийинлашуви юзага чиқади. Бола доимий қорин оғриши (абдоминал синдром), иштаҳанинг пасайиши, баъзида овқат маҳсулотлари таъсирида кўнгил айниш, сўлак ажралишининг кўпайисси, айрим маҳсулотларни кўтара олмаслик, метеоризм (қорин дам бўлиши), ич кетиши, тана вазнининг пасайиши, тез-тез шамоллаш каби ҳолатлардан азият чекади. Болаларда аскаридозга хос бўлган нерв тизими билан боғлиқ муаммолардан (астеновегетатив белгилар) – тез чарчаб қолиш, хотиранинг пасайиши, кўзғалувчанлик, уйқу безовталиги, вестибуляр камчиликлар, гиперкинез ва эпилептик талвасалар юзага чиқиши ҳам мумкин. Болаларда аскаридоз ўзидан кейин қоладиган асоратлар қолиши билан хавфли ҳисобланади. Аскарида личинкалари турли хил аъзолар ва қон томирлар деворида механик ўзгаришлар, ўчоқли ёки кам ҳажмли қон қуйилишлар, яллиғланиш инфилтратлари, жигар, ичак, ўпка тўқимаси перфоратсияси ва микронекроз каби ҳолатларга олиб келиши мумкин. Аскаридаларнинг личинкалари ва етилган шакллари ҳаёт фаолияти маҳсулотлари организмга кучли токсик ва аллергик таъсир кўрсатади. Болаларда аскаридоз организм умумий сезувчанлиги ва яққол намоён бўладиган маҳаллий аллергик реакциялар келиб чиқишига сабаб бўлади, оғир ҳолатларда эшакеми ва асматик бўғилиш ҳам юзага чиқиши мумкин. Педиатрия соҳасида аскаридоз ҳолатлари профилактик эмлашларга қарши кўрсатма бўла олади. Чунки бундай ҳолатларда вакциналарнинг самараси пасайиб кетади. Аскаридоз диагностикаси. Болаларда аскаридоз касаллигининг эрта босқичлари клиник-эпидемиологик маълумотлар ва қўшимча белгилар: умумий қон таҳлилида лейкоцитоз ва эозинофилия ҳолати, балғам микроскопик текширувида паразит личинкалари топилиши, ўпка рентгенограммасида эозинофил инфилтрат соялари кўринишига асосланиб қўйилади. Болаларда аскаридозни аниқ ташхислаш бола зарарланганидан сўнг 3 ой ўтиб аниқлаш мумкин, бунда аскарида личинкалари етилган, жинсий кўпайиш қобилятига эга ва ичак босқичига ўтган бўлади. Бундай ҳолатда паразит тухумларини аниқлаш мақсадида нажас лаборатор текширувлари ўтказилади.



Хулоса: Аскаридаларнинг кўплаб юқиши ва ривожланиши натижасида болаларда механик ёки обтуратсион ичак тутилиши, ўт йўллари ва чувалчангсимон ўсимта обтуратсияси келиб чиқади. Бунинг натижасида механик сариклик, ўткир аппендитсит белгилари, холангит, холесистит, панкреатит ривожланиши мумкин. Аскаридознинг эндемик ўчоқларида касалланган болаларда оғир кечувчи пневмония (зотилжам) кўринишида асоратланиши ва унинг оқибати ўлим билан тугаши ҳам мумкин

Адабиетлар:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ



ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).

6. Супхонов, У. У., Файзиев, Х. Ф., Азимова, А. А., & Абдурахмонов, Д. Ш. (2024). СУЩЕСТВУЮТ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ЛИПОСАКЦИИ, КОТОРЫЕ УСПЕШНО ПРИМЕНЯЮТСЯ ДЛЯ КОНТУРНОЙ ПЛАСТИКИ ТЕЛА. NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI, 1(2), 18-22.